

# Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2024-yil 20-iyun, payshanba

№ 25 (9293)

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru

@Qishloqhayoti\_gazetasi

## IFADNING MARKAZIY OSIËDA YGONA VAKOLATXONASI TO'PKENTDA ISH BO'SHLADI

Bo'sh ofisi Italiyaning Rim shahrida joylashgan Qishloq xujaligini rivojlantirish xalqaro jam'armasi (IFAD) Uzbekistonda u'z vakolatxonasini ochdi.

U'zbekiston mazkur jam'armaga 2011 yilda a'zo davlat sifatida q'ushilgan. Mutaхassislar ushbu vakolatxonaning Uzbekistonda ochilishi Qishloq xujaligini rivojlantirish xalqaro jam'armasining mamlakatdagi qishloq худудларини rivojlantirish jarayonini q'ullab-quvvatlash borasidagi uzoq muddatli sa'y-xarakatlarida muхim yutuq эканини таъкидлади.

To'shkentdagi yangi vakolatxonaning ochilishida IFAD prezidenti Альваро Ларио, мамлакатимиз qishloq хujaligi vaziri Иброҳим Абдурахмонов иштирок этди. Жаноб Ларио Qishloq хujaligini rivojlantirish xalqaro jam'armasining Markaziy Osiëdagi ilk vakolatxonasini ochishda k'ursatgan k'umagi uchun Uzbekiston Prezidenti хамда мамлакат хукуматига u'z minnatdorligini izхор этди.

Qishloq хujaligini rivojlantirish xalqaro jam'armasining To'shkentdagi vakolatxonasi ish boshlashi kelтусида soхada mustaqkam хамкорlikдан dalo-



латдир, - дейди IFAD президенти А.Ларио. - IFAD жамғармаси U'zbekiston va mintaqadagi барқарор rivoжланиш jarayonlarini q'ullab-quvvatlashga тайёр. Хукумат va хусусий сектор билан бўлган шериклигимиз орқали биз иқлим ўзгаришига мослашиш va qishloq худудларини гуллаб-яшнашга киритиладиган кенг қўламли сармояларни рағбат-

лантиришимиз мумкин. Yangi vakolatxonaning ochilishi bilan IFAD Uzbekiston qishloq хujaligi тармоғининг эҳтиёж va муаммоларини самаралироқ қамраб олиш va ҳал этиш имкониятига эга бўлади. Ваколатхона mintaqaning бошқа мамлакатлари учун намуна бўлиб, барқарорлик va инклюзивликка хизмат қиладиган хамда иқлим ўзгариши va

атроф-мухит муҳофазаси масалаларига нисбатан рационал ёндашувни таъминлайдиган барқарор rivoжланиш амалиётларининг самаралироқ жорий этилиши учун маҳаллий даражада фаолият юритишнинг муҳимлигини таъкидлайди.

Ushbu vakolatxonaning ochilishi ikkala tomonning qishloq худудларини rivoжлантириш хамда deхқон хujaliklarining хуқуқ va имкониятларини кенгайтиришга бўлган сadoқатини намойиш этади, - дейди qishloq хujaligi vaziri И.Абдурахмонов. - Бу хамкорлик нафақат U'zbekistonга фойда келтириши, балки mintaqadagi бошқа davlatlar учун хам ижобий ўрнатқ бўлиши мумкин.

IFAD жамғармаси moжарolar, иқлим ўзгариши va инфляция каби глобал va mintaqaviy муаммоларга қарамай, U'zbekiston агротармоғи имкониятларини кенгайтиришга интиломқда. Жамғарманин U'zbekiston билан янги шериклиги натижасида oхирги ўн йилда лойиҳалар портфели

сезиларли даражада кенгайиб, Markaziy Osiëdagi энг йирик тўпламга айланди. Лойиҳалар қиймати 435,3 миллион AҚШ долларига етиб, 550 минг нафар qishloq аҳолиси қамраб олинди.

IFADning боғдорчилик va сўт маҳсулотларини ишлаб чиқариш тармоқларидаги таъминот занжирларини қўллаб-қувватlashдаги етакчилиги mazkur йўналишларга хусусий сектор va rivoжланиш соҳасидаги шериклар томонидан сармоя киритишни жадаллаштиришнинг ҳал қилувчи омилли бўлди.

Жамғарманин U'zbekiston учун мўлжалланган стратегик режаси (2023-2027 йиллар учун) IFADning deхқон хujaliklari va qishloq хujaligi диверсификациясига сармоя киритишга нисбатан бўлган новаторлик ёндашувига асосланади. Дастур доирасида Qishloq хujaligini rivoжлантириш халқaro жамғармаси va U'zbekiston хукумати миллий va халқaro қўшма moлиялаштиришни ўз ичига олган қиймати 250 миллион AҚШ долларига тенг бўлган ишчи дастурни амалга ошириш ниятида.

Муҳайё ТОШҚОРАЕВА, ЎЗА муҳбири.



Шоличилик

## ГУРУЧ ТАЪМИ

Гуручли таомни тайёрлаш қийин эмас, ammo қандай таомга, қандай гуруч мос тушишини ҳамма ҳам билавермайди. Бунинг учун гуруч навлари, турлари оламига кириши даркор. Бу ҳақда Шоличилик илмий-тадқиқот институти лаборатория мудирли, қишлоқ хujaligi фанлари доктори, профессор Рихсвовой ТИЛЛАЕВ билан суҳбатлашдик.

Яратганин U'z биэа гуручли инъом этган экан, бу неъматнинг ёмони йўқ. Гуручнинг ҳар бир навининг ўз таъми бор, танлаш эса харидордан, - дейди Рихсвовой Тиллаев.

Гуруч турлари донининг узунлиги, ранги va шoлини қайта ишлаш услуби бўйича аниқланади. Шоли тури 28 та, шулардан U'zbekistonda экиладиган шоли икки кенжа турга бўлинади: "оддий шоли" va "калта додли". "Оддий шоли" гуручининг узунлиги 5-7 мм., "калта додли"ники эса 4 мм.гача бўлади. U'z навбатида "оддий шоли" икки шоҳга: Ҳиндистон va Хитой-Япония шоҳига бўлинади.

Уларни қандай ажратиш мумкин? - Ҳиндистон шоҳи гуручларининг дони узун va ингичка. Хитой-Япония шоҳиники эса қисқа va йўғон бўлади. Мисол учун, "лазер" гуручи Ҳиндистон шоҳидан тарқатган,

"чумчуқ кўз", "аланга" эса Хитой-Япония шоҳидан.

Гуручлар яна қандай жиҳатлари билан фарқланади?

Ранги бўйича. Улар оқ, жигарранг, қизил, қора рангларда бўлади. Сарик ранглиларини бозорда учратамиз-ку?

Ҳа, бор. Лекин у гуручники эмас. Қўқон атрофида етиштириладиган гуручларга "зарчава" қўшишади, шунинг учун гуручлар сарик бўлади. Дунёда, жумладан, бизда хам энг кўп тарқалгани - оқ va оч жигарранг рангли гуручлардир.

Шолини қайта ишлаш жараянлари хам турлича бўладими?

Ҳа, уч хил бўлади. Шолининг пўсти олингандан сўнг, гуручнинг устки шифобахш пўстлоғи шилинмайди. Яъни, бу гуручлар "шилилмаган" номидаги услубда қайта ишланган. Бунга "девшира" мисол бўлади.

(Давоми 2-саҳифада)

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

## СУВ ТЕКИН ЭМАС



Сув - обиҳаёт, сув ҳаёт манбаи. Сувнинг шилдираб оқиши инсонга бошқача ҳарорат va кайфият бағишлайди. Сувнинг инсон va дов-дарактлар, ҳайвонот олами, хуллас, ер юзиде қимирлаган жонзот ённки, кўкариб турган ўсимлик борки, барчаси учун жуда беқият аҳамият касб этишини тушунтиришга ҳожат йўқ. Рўзгоримизда бир кун сув бўлмаса, ҳолатимиз қай аҳволга тушишини тасаввур қилинг!

Фермер хujalikлари даллари, боғ-роғлар va хонадонларимизга сув қанча йўл босиб келишини биласизми? Бу одамлар томонидан барпо қилинган махсус ирригация тизими хамда минглаб чакрим каналлар va ариқлар орқали оқиб ўтади. Агар Сурхондарё вилоятида 326 минг гектар суғориладиган экин майдонларининг қарийб 80 фоизи насос станциялари томонидан дарёлар va каналлардан чиқариб берилатган сув эвазига суғорилишини инобатга олсак, бу насос станциялари фақат сув чиқариши учун йилига 850-900 миллион киловаат соат электр энергияси сарфламоқда. Бу эса 850-900 миллиард сўмни ташкил этади. Бундан ташқари, каналлар, ариқларга сув бориши, насос станцияларида сув чиқарилиши учун қанчадан-қанча мутахассислар меҳнат қилапти, насос агрегатлари va двигателлар таъмири va эҳтиёт қисмлари учун йилига миллиард-миллиард сўм сарфланмоқда.

Президентимиз Сурхон воҳасига таширф бузурганда, Амударёда суви тобора камайиб бораётганини, вилоятдаги 1700 километр узунликдаги суғориш тармоқларининг ярми тупроқ ўзаниб бўлгани учун оби-

ҳаётнинг 35 фоизи беҳудега йўқотилаётганини ачиниш билан таъкидлаганди. Каналлар, шоҳариклар va бошқа суғориш тармоқларини бетонлаштириш ҳисобига сув иқтисодига эришиш мумкинлиги айтилди va бу борада кенг қўламли ишлар давом эттирилмоқда. Далилларга назар ташлайдиган бўлсак, экин майдонларининг қарийб 80 фоизи насос станциялари томонидан дарёлар va каналлардан чиқариб берилатган сув эвазига суғорилишини инобатга олсак, бу насос станциялари фақат сув чиқариши учун йилига 850-900 миллион киловаат соат электр энергияси сарфламоқда. Бу эса 850-900 миллиард сўмни ташкил этади. Бундан ташқари, каналлар, ариқларга сув бориши, насос станцияларида сув чиқарилиши учун қанчадан-қанча мутахассислар меҳнат қилапти, насос агрегатлари va двигателлар таъмири va эҳтиёт қисмлари учун йилига миллиард-миллиард сўм сарфланмоқда.

(Давоми 3-саҳифада)

## ОЗОН ҚАТЛАМИНИНГ АҲАМИЯТИ БЕҚИЁС

Озон қатлами кўёш нурлари va бошқа зарарли нурларнинг ерга тушмаслигини таъминлаб турувчи тўсиқдир. Ҳозирда завод va фабрикалардан чиқётган захарли тутунлар озон қатламининг емирилиши va туйнукларининг кенгайишига олиб келмоқда. 1994 йил БМТ бош ассамблеяси ўз резолюциясида "16 сентябрь - озон қатламини ҳимоя қилиш кунин", деб эълон қилган. Ушандан эътиборан 36 та мамлакат озон қатламини емирувчи моддаларни ишлаб чиқаришни чеклаш ё умуман тақиқлашга доир ҳужжатларни имзолаган.

Озон қатламининг асосий қисми стратосферада, ер юзидан ўртача 15-50 километр баландликда жойлашган. Қўтбларда эса бу бор-йўғи 8 километр баландликдан бошланади. 20 километрдан 25 километргача ораликдаги 5 километрга озон энг зич жойлашган. Катта қатламини ташкил этсада, озоннинг зичлиги жуда паст. Агар у ер юзидеги ҳаво қадар зичлаштирилса, атиги 3,5 миллиметрли жуда юпқа плёнка ҳосил бўлади. Шундай бўлсада, озоннинг аҳамияти беқият.

(Давоми 2-саҳифада)



## ЕРЛАР ДЕГРАДАЦИЯСИГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ САМАРАЛИ ЕЧИМЛАРИ

Глобал иқлим ўзгариши шароитларида республикамиз суғориладиган ерлари ҳолатининг таҳлили шуни кўрсатадики, иқлимачи шўрланиш, ирригация va шамол эрозияси, гумус va озиқа элементларининг камайиши каби салбий жараянларнинг rivoжланиши натижасида тупроқ унумдорлиги пасайиши, ерлар деградацияси билан боғлиқ жараянларнинг кескинлашуви кузатиломқда.

Суғориладиган экин ерларидаги тупроқларнинг 93 фоизиде харакатчан фосфор миқдори, 68,3 фоизиде алмасувчан калий миқдори, 79,3 фоизиде гумус миқдори ўртачадан паст даражага тушиб қолган. Шунингдек, республикада турли даражада шўрланишга учраган ер майдонлари 1 980 минг гектарни ёки жами суғориладиган ерларнинг қарийб 47 фоизини ташкил этади. Сўнгги йилларда ерлар деградацияси, курғоқчилик va глобал иқлим ўзгаришининг салбий таъсирларини камайитиришга қаратилган кўплаб норматив ҳуқуқий ҳужжатлар

қабул қилиниб, стратегик мақсадлар белгилаб олинди.

Мазкур муаммоларни ҳал этиш бўйича хорийжий тажрибага асосланган ҳолда инновацион лойиҳалар ишлаб чиқилиб, самарали ечимлар амалиётга тадбиқ қилинмоқда.

Экспертларни баҳолашча, сайёрамизнинг 40 фоиз ерлари деградацияга учраган, бу эса инсониятнинг va дунё ялли ички маҳсулотининг деярли ярмига таҳдид солмоқда.

Ҳиндистон фазовий тадқиқотлар ташкилоти маълумотиға кўра, дунё бўйича

ҳар йили 24 млрд. тонна унумдор тупроқ қатлами йўқотилаётган бўлса, AҚШнинг YALE университети ўтказган тадқиқотда табиий va антропоген омиллар таъсирида йилига 15 млрд. туп дарахт йўқотилаётгани таъкидланган.

Иссиқхона газларининг атмосферага чиқарилишини камайитириш, биологик хилма-хилликни сақлаш, деградацияга дучор бўлган ерларни қайта тиклаш тадбирларини самарали ташкил этиш натижасида ҳар йили жаҳон иқтисодиётига 125-140 трлн. доллар атрофида маблағни қайтариш мумкин. Шу сабаб-

дан, дунё ҳамжамияти томонидан ушбу йўналишларга эътиборни кучайтириш мақсадида доимий равишда йирик тадбирлар ташкил этиб келинмоқда. Жумладан, БМТнинг 2023 йил 13-17 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган "Қўланишга қарши курашиш тўғрисидаги конвенцияси (UNCCD) бажарилишини кўриб чиқиш қўмитасининг 21-сессияси йиғилиши"да хам ерлар деградациясига қарши курашиш масаласи кун тартибининг асосий мавзуси сифатида муҳокама қилинди.

(Давоми 2-саҳифада)

**(Боши 1-саҳифада)**

“Шилинган” услубдаги гуручларнинг устки қавати шилиб олинганлиги учун донлар силлиқ ва текис бўлади. Мисол учун, Хоразмнинг “аланга”, Ҳиндистоннинг “басмати”, Россиянинг “Кубань” гуручлари. Учунчи услуб – шили бугда тазаланган.

**– Гуручлар узунлиги ва шакли бўйича ҳам тақсимланганими?**

– Ҳа, шакли турли бўлади. Масалан, думалоқ донли. Бу гуручлар Хитой-Япон шохига қирувчи навдир. Узунлиги бўйича энг кичиги – 4 мм., энгига эса 3 мм. Бундай шаклдаги гуручлар крахмалга энг бой саналади. Сувни кўп ичди ва ёпишқоқ бўлади. Булар Учқўрғоннинг “07”, “чумчуқ кўз” ва бошқа навлардир.

“Ўрта донли” гуручлар ҳам бўлади. Номидан билиниб турибди – Хитой-Япон шохидан, узунлиги қалта, лекин думалоқ донлилардан узунроқ бўлади. Езёвон туманининг “взрос”, Қўқоннинг “араби”, водийнинг “девзира” навлари бунга мисолдир.

“Узун донли” гуруч навлари Ҳиндистон шохидан. Узунлиги 7 мм.дан 1 см. га етиши мумкин. Бу навли гуручларда крахмал оз бўлади, оз сув ичди. Пишган ҳолатда узунлиги 1.5 см.га етиши мумкин, бир-бирига ёпишмайди.

# ГУРУЧ ТАЪМИ

**– Гуручнинг нави ва тури ҳам бўлар экан...**

– Нав селекция усулида яратилган, ирсий, морфологик, биологик белги ва хусусиятга эга шилилар гуруҳи. Белгилари, шаклланиши жиҳатидан умумий бўлган бир гуруҳ нави. Гуручли тишлаб, икки жиҳатини билса бўлади. У иккига бўлинса, демак тўлиқ пишган, сифатли. Агар уқаланиб кетса, сифатсиз ҳисобланади. Шунингдек, доннинг таъмини билиш ҳам мумкин. Гуруч таркибиде крахмал борлиги учун сифатли гуручнинг таъми жиндай ширин, ҳиди эса бўлмайди. Донлари орасида синган гуручлар кам бўлиши керак. Шили намлик юқори жойда сақланса ва шамоллатилмаса, сифати пастлайди, моғор ҳиди келади, овқат таъмига ҳам ёмон таъсир этади. Намроқ ўрилган шили уюмларда узоқ вақт туриб қолса ҳам дони дарз бўлиб, синишга олиб келади, сифати пастаяди.

Девзира “арпашили” туридан жой олган нав. Деазиранинг ҳосилдорлиги паст. Лекин тўйимлилиги оддий

гуручларга нисбатан юқори.

**– Ўзбекистонда етиштирилган ва оммабоп “лазер” гуручининг номи нега шундай аталади?**

– “Лазурный” номли гуруч нихоятда шаффофлиги учун Россияда шундай аталган. Эндиликда у “лазер” номи билан бозорларга чиқиб кетди ва халқнинг сеvimли гуручига айланди. Унинг муаллифи (Худо раҳмат қилсин) Тошкентнинг Тўйтепасидан бўлган селекционер-олим Турсунбой Исоқов.

У киши оиласи билан 12 йил Кубада бўлиб, шилининг “лазурный” навини етиштирган. Шилининг “Ҳиндистон шохининг кичик тури “индика” билан частиштирилган.

**– Частиштиришни қандай тасаввур этсак бўлади?**

– Селекционер-олим Турсунбой ака тажрибаларидан мисол келтираман. Сувнинг ичида ўтириб олиб селекционер шилининг гулидан оддий, кўзга кўринмас “оталик”ларни лупада кўриб, пинцет билан авайлаб “бўйни”ни узиб олиши ва шу оталик



ўрнига бошқа ўсимликдан “оталик” чанги билан бунисини чанглаши керак. Кун бўйи шу жараён давом этади. Ўта зерикарли бўлган бу машаққатли иш Кубанинг раҳбари (марҳум) Фидель Кастроини ҳам ҳайратга солган ва унинг олимга эътибори тушишига сабаб ҳам шу.

**– Водийда оммабоп бўлган “девзира” ҳақида ҳам фикр билдирсангиз.**

– “Девзира” ўрта ва узун донли турларда, ранги эса оч-жигарранг ва кизил-пушти рангларда бўлади. Донларнинг ўртасида ёки ён томонларида жигарранг донни узун томони бўйлаб чизиклар ҳам бўлади. “Девзира” гуручининг “чунгара”, “қорақилтирик”, “қоракалтак”, “дастарсарик” кенжа турларини ҳам бозорда учратамиз. Девзира дони ўта зичлиги туфайли бошқа турларга таққослаганда қаттиқ ва вазни оғир чиқади. Гуручлар ўзига хос қизғиш упа билан қопланганлигини кўрамади. Бу нимадан дарак беради? Девзира шилининг устки пўстлоғи олинадди, холос. Доннинг қолган яна бир қавати шилинмайди, шунинг учун бир чимдим гуручли кўлга олганимизда панжаларимизда шу упа кўринади. Доннинг ана шу олинмаган қаватини тиббиёт фани шифолигини исботлаган. Девзира паловга аталган неъмат, чунки, пишириш жараёнида у ланж бўлмайди, яъни, эзилмайди, донлар бир бирига ёпишиб қолмайди.

Хар йили дунёда 742 миллион тоннадан зиёд гуруч етиштирилади. Юртимизда эса 119 мингга яқин гектарда шили парваришланади ва ҳар гектардан ўртача 49 тонна атрофида ҳосил олинади. Яъни ҳосил 516-517 минг тоннани ташкил этади.

**– Мазмуни жавобларингиз учун ташаккур.**

Ойбек ОРТИҚОВ  
сўхбатлашди.

## ОЗОН ҚАТЛАМИНИНГ АҲАМИЯТИ БЕҚИЁС

**(Боши 1-саҳифада)**

Озон кислороднинг қариндоши. Эркин кислород атомлари кислород молекуласи билан бирилади ва озон пайдо бўлади (O-O2->O3). Озоннинг ўзи жуда зарарли модда, кундалик ҳаётимиз нуқтан назардан қараганда захардан бошқа нарса эмас. Қуёш нурлари кислородни парчалашидан ҳосил бўладиган бу модда ер шаридаги жамики жонзот ва ўсимликларни айни шу қуёшнинг хавфли ультрабинафша нурларидан асрайди. Яъни, озон қатлами ер шарининг ўзига хос химия қалқонидир. Ушбу қатламнинг емирилиши сабаблари бўйича бир неча назари бор. Аввалига олимлар юқори баландликда учувчи ракеталар, самолётлар таъсирида озон емирилади, деган фикрни илгари сурган. Кейинчалик кимё заводаларининг атмосферага чиқараётган зарарли газлари – фреонлар – хлорфторуглеродлар озоннинг энг хавфли кушандалари сифатида эътироф этила бошланди. Шунингдек, хлор ва бромнинг зарарли таъсири натижасида стратосферадаги озон миқдори 10 фоиз камайган, деган тахмин ҳам мавжуд. Озон қатламининг емирилишига нафақат инсоният, балки табиий жараёнларнинг ҳам ўзига яраша салбий таъсири бор. Вулқонлар уйғониши, ер қаъридаги газларнинг ажралиб чиқиши бу қатламдаги туйнукларни кенгайтиради. Атмосфера таркибиде озон 0.0001 фоиздан ҳам кам. Лекин шу миқдорнинг бир фоизгагина камайиши ҳам хавфли ультрабинафша нурларининг ер юзига етиб келишини икки фоизга оширади. Бу навбатда муайян муаммоларни келтириб чиқаради. Қатламнинг емирилиши натижасида катта миқдордаги қуёш радиацияси ер юзини қоплайди, инсонларда тери саратони билан касалланиш кескин ортади. Одамларнинг касалликларга қарши курашувчи иммунитет тизимида сусайиш кузатилади, экинлар ҳосилдорлиги пасайиб кетади. Парвартиш қилинганга қарамай дарахлар қуриб қолаверади. Ўсимликлар барги кичраяди. Бу ўз навбатида

кислород манбаи бўлган баргларда фотосинтез жараёнига салбий таъсир қилади. Қаттиқ ультрабинафша нурлар дунё океанидаги жонзот ва ўсимликларни ҳам зарарлайди.

Жаҳон ҳамжамияти озон қатламини сақлаб қолиш аҳамиятини тушуниб етган ҳолда бир қанча чораларни кўрмоқда. 1987 йилда қабул қилинган Монреал далолатномасида энг хавфли хлорфторуглеродлар рўйхати тузиб чиқилган ва бу моддаларни ишлаб чиқарувчилар ишлаб чиқариш ҳажмини камайтиришни зиммаларига олганлар. Далолатномага қўшимча сифатида 1995 йил фреон ишлаб чиқаришни икки баробарга қисқартириш, 2000 йилда батамом тўхтайтиш кўзда тутилган. Лекин бу борадаги ишлар ҳаммаси кўнгилдагидай бажарилган тақдирда ҳам биринчи ижобий натижа яъни, қилинган меҳнатнинг самараси 2050 йилга бориб билинади.

Ўзбекистон креатив ғоялар билан озон қатламини асрашга сезиларли равишда ҳисса қўшмоқда. 1993 йил 18 май куни мамлакатимиз озон қатламини химоя қилиш тўғрисидаги Вена конвенцияси ва озон қатламини емирувчи моддаларга доир Монреал протоколига қўшилди. 2001-2007 йилларда озон қатламини емирувчи моддаларни қисқартириш борасидаги давлат дастурининг биринчи босқичи амалга оширилди.

Айтиш керакки, 2020 йил дунё миқёсида тарқалган пандемия офатининг ижобий томонлари ҳам бўлди. Автотранспорт воситаларининг ҳаракатларига чекловлар қўйилди. Натижада озми-кўпми озон қатламининг емирилиши камайиб, зарарланган қатламнинг қайта тикланиши рўй берди. Зарарли газлар чиқарилмаса, завод, фабрикаларнинг зиёни камайса, секин-аста озон қатламини тикланиши мумкинлиги амалда исботланди. Демак, табиатнинг инсонларга ато этган неъматлари беқиёс, улардан унумли фойдалансак, бас.

Турдимурод ШОПЎЛТОВ,  
иригатор.

**(Боши 1-саҳифада)**

Президентимизнинг БМТ томонидан Дубай шаҳрида ўтказилган иқлим ўзгариши конференциясида сўзлаган нутқида минтақамизда ҳаво ҳароратининг ошиши жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан икки баробар кўплиги, фавқулодда иссиқ кунларнинг икки марта ортганлиги ва музликлар майдонининг учдан бир қисми йўқолиб бораётганлиги алоҳида қайд этиб ўтилди.

Шунингдек, минтақамизда тупроқ емирилиши жараёнлари 30 миллиондан зиёд аҳоли турмуш тарзига салбий таъсир кўрсатётганлиги, кучли чанг ва қум бўронлари оддий ҳолга айланиб бораётганлиги, ичимлик суви танқислиги, ҳаво ифлосланиши, био хилма-хиллик йўқолиши, қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликнинг кескин пасайиши каби муаммолар тобора авж олиб бораётганлиги алоҳида эътибор қаратилди. Шу сабабли, дунёнинг ривожланган мамлакатларида ерлар деградациясига, қурғоқчилик ва чўлланишга қарши курашиш ҳамда глобал иқлим ўзгаришига мослашиш дастурларига давлат бюджети ва халқаро молия институтлари томонидан маблағлар йўналтирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 10 июндаги “Ерлар деградациясига қарши курашишнинг самарали тизimini яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши соҳадаги туб ўзгаришлар даврини бошлаб берди. Мазкур қарор билан Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ерлар деградациясига қарши курашиш масалалари бўйича бир қатор вазифалар юклатилиб, алоҳида бошқарма фаолияти ташкил қилинди. Шунингдек, соҳага алоқадор вазирлик ва идораларнинг чўлланиш, қурғоқчилик, иқлим ўзгаришига мослашиш тўғрисидаги маълумотлар асосида ягона миллий электрон базани шакллантириш ҳам белгилаб берилди.

Ўтган қисқа давр мобайнида бошқарма томонидан ерлар деградациясига жараёнлари билан курашиш тизими йўлга қўйилиб, унинг норматив ҳуқуқий базаси шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 2 февралдаги қарорига асосан соҳада фаолият юритувчи вазирлик ва идораларнинг ерлар деградацияси, чўлланиши ва қурғоқчиликка қарши курашиш тўғрисидаги маълумотларини тўплаш,

## ЕРЛАР ДЕГРАДАЦИЯСИГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ САМАРАЛИ ЕЧИМЛАРИ



таҳлил қилиш, қайта ишлаш ва улардан очик фойдаланиш имкониятини берувчи “Ер деградацияси” геоахборот портали яратилди.

Геоорталда деградацияга учраган ерлар ва яйловлар майдонлари, шўрланган худудлар, тупроқ сифатини баҳолаш натижалари, геоботаник тадқиқотлар, рекултивация ва мониторинг тадбирлари тўғрисидаги маълумотлар қатламлар ва атрибутлар кўринишида тақдим қилиб борилмоқда.

Геоахборот тизимидаги электрон карталарни янгилаш, қишлоқ хўжалигида ер майдонлари ва экинларни мониторинг қилиш, деградацияга дучор бўлган худудларни аниқлаш, касаллик ҳамда зараркундаларга қарши курашишда учувчисиз учуш аппаратларидан, яъни дронлардан фойдаланиш йўлга қўйилди.

Ушбу мақсадда уч турдаги картографик, мониторинг ва спрей дронлар харид қилиниб, амалиётга кенг жорий қилинмоқда.

Соҳада дронлардан фойдаланишни ташкил этиш орқали ерлар деградациясига қарши курашишнинг интенсив ва самарали ечимлари ишлаб чиқилмоқда. Биргина мисол, анъанавий усулда 7 кишидан иборат гуруҳ томонидан бир кунда минг гектар ер майдониде мониторинг амалга оширилса, бир дон дрон ёрдамида 2,5 минг гектарни мониторинг қилиш мумкин.

Спрей, яъни суюқ ва қаттиқ (гранула) кўринишдаги ўғитлар, кимёвий воситалар ҳамда ўсимлик уруғларини пуркагичлар ёрдамида сепишга мўлжалланган дронлар билан агротехник тадбирларни ўтказиш орқали анъанавий усулга нисбатан уч баробар кўп самарадорликка эришиш мумкин. Бундан ташқари, спрей дронлар деградацияга учраган ерларга қурғоқчиликка ва шўрга чидамли ўсимликлар уруғларини сепиш имкониятларини яратиб, яйловларда биохилма-хилликни сақлаш ва тиклашга хизмат қилади.

Ҳозирги кунда республикада қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар 25,7 млн. гектарни ташкил қилиб, шундан 21,2 млн. гектари яйловлар ҳиссасига тўғри келади. Яйловларнинг 16,6 млн. гектари чўл ва 4,4 млн. гектари тоғ ва тоғолди минтақаларда тарқалган. Геоботаник тадқиқотлар 16,8 млн. гектар яйловларда ўтказилган бўлиб, ушбу майдонларнинг қарийб 13 фоизи деградацияга учраган ва 32 фоизда ўсимлик қопламаси кескин камайганлиги кузатилган.

Хорижий тажрибаларга таянган ҳолда яйловларда деградацияга қарши курашишдаги инновацион усуллардан бири – глобал иқлим ўзгаришига мослашиш, қурғоқчил, сув танқис минтақаларда ерларни тиклашга мўлжалланган Италиянинг Валлерани тизими асосида ишловчи махсус қишлоқ хўжалиги техникаси, яъни Дельфино 3 плуглари ёрдамида ерга ишлов беришдир. Мазкур тизим биологик хилма-хилликни сақлаш, чўлланиш ва иқлим ўзгариши шароитида яйловларда деградацияга қарши курашда катта амалий ёрдам беради.

Шудгорлаш агрегати ёмғир суви ва сув оқимларини, шунингдек, энгил тупроқ, органик моддалар, уруғлар каби бошқа ресурсларни тўплайдиган кичик ховузуларни ва ер ости “чўнтак”лари тизимини ҳосил қилади. Кичик ховузуларда тўпланган сув туфайли, ердаги намлик анча вақт сақланади ва яйлов ўсимликлари, буталар уруғларини экишга имкон беради.

Европада бундай техникадан фойдаланиш харажатлари гектарига 80 дан 130 еврога ташкил қилади. Валлерани тизими атроф-муҳитга жуда кам салбий таъсир қилади, ернинг атиги 10-20 фоиз қатламини қайта ишлайди.

Бундан ташқари, вазирлик томонидан инновацион технологияларга асосланган бир неча лойиҳалар ишлаб чиқилди. Яйловларда бирламчи чўл-яйлов ўсимликлари уручилиги майдонларини ташкил этиш,

адир минтақалардаги деградацияга учраган яйловларда “Waterbox” технологияларини қўллаш орқали боғ ва химоя иҳтоздорларини яратиш шулар жумласидандир.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, сўнгги йилларда қабул қилинаётган фармон ва қарорлар ерлар деградациясига қарши курашиш ва глобал иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларини юмшатиш, худудларда қурғоқчилик ва чўлланишнинг олдини олиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, таназзулга учраган яйловларни қайта тиклаш йўналишларида илғор илмий ишланмалар ва инновационлардан фойдаланишга кенг имкониятлар яратмоқда. Бонн университетининг Ривожланиш соҳасидаги тадқиқотлар маркази (ZEF) олимлари ҳисоб-китобларига кўра, Ўзбекистонда кейинги ўн йил давомида деградацияга учраган яйловларни қайта тиклаш учун ҳар йили 543 млн. доллар маблағ талаб этилади ва сарфланган маблағ 1,4 млрд. доллар бўлиб қайтади.

Ерлар деградациясига қарши курашишда давлат ва жамоатчиликнинг яқдиллик асосида ҳаракат қилиниши таъминлаш орқали яйловлар ва унумдор ерларимизни асраб авайлаган ҳолда келажак авлодга етказиш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги соҳага оид маълумотлар ягона миллий электрон базасини такомиллаштириб бориб, келгусида дехқон ва фермерларга қулай, ишончли ҳамда тезкор ахборотларни тақдим қилиб бориш билан бирга уларга илмий асосланган тавсиялар, кўрсатмалар бериш, дронлар ёрдамида агротехник тадбирларни ўтказиш бўйича хизматлар тақдим қилинган улкан платформага айлантириш бўйича тизимли ишларни ташкил этади. Мазкур платформани келгусида глобал миқёсга олиб чиқиш устида изланишлар давом эттирилиб, минтақавий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни ҳамкорликда ҳал этиш чоралари кўрилади.

Ойбек СОАТОВ,  
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги  
Тупроқ унумдорлигини ошириш ва  
ерлар деградациясига қарши курашиш  
бошқармаси бошлиғи,  
Саъдулла ЗАЙНАБУДДИНОВ,  
Ер деградациясига қарши курашиш  
ва маълумотларни таҳлил қилиш  
бўлими бошлиғи.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

**Мамлакатимизда,** жумладан, Андижон вилоятида ҳам аҳолини уй-жой билан таъминлаш, турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида кўплаб замонавий уй-жойлар уларга монанд инфратузилма объектлари барпо этилмоқдаки, албатта, бундан аҳоли мамнун. Барпо этилаётган бино ва иншоотларнинг сифатлилиги, бунда қурилиш меъёрларига қатъий амал қилингани ҳар жиҳатдан муҳимдир,

# ҚУРИЛИШ СИФАТИ ҚАНДАЙ НАЗОРАТ ҚИЛИНМОҚДА?



Худудда қурилаётган объектлар бўйича қурилиш ва шаҳарсозлик соҳасида назорат ишларини олиб бораётган Андижон вилояти Қурилиш ва уй жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат инспекцияси жамоаси томонидан ҳам кенг қўламли назорат тадбирлари олиб борилмоқда. Жорий йилнинг биринчи апрел ҳолатига кўра, худудий назорат инспекцияси томонидан жами 1905 та қурилиш объектида, шундан 554

та давлат дастурлари бўйича, 1351 та тадбиркорлик объектида қурилиш-монтаж ишлари назоратга олиниб, 1767 таси рўйхатдан ўтказилди ҳамда мазкур объектларда уч минг маротабадан кўпроқ назорат ишлари амалга оширилди. Худудий инспекциялар томонидан объектлар қурилишида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича бажарилиши мажбурий бўлган жами 957 та шундан, 304 та пудратчиға, 345 та буюрт-

мачига ва 330 та лойиҳа ташкилотларига ёзма кўрсатма берилди ва ҳозиргача 400 дан зиёд ёзма кўрсатмалардаги камчиликлар бартараф этилди. Буюртмачилар томонидан объектлар қурилишида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича эса 2 та лойиҳа ва 42 та пудратчи ташкилотга ёзма кўрсатмалар берилди. Лойиҳачилар томонидан эса аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича жами 37 та пудратчи ташкилотга ёзма кўрсатма берилган бўлиб, улардаги камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

– Худудий инспекциялар томонидан берилган ушбу ёзма кўрсатмалардаги камчиликларни белгиланган муддатларда бартараф этилганлиги сабабли 45 та пудратчи, 200 та буюртмачи ва 15 та лойиҳа ташкилотлари мансабдор шахсларга нибатан тегишлилиги бўйича маъмурий чоралар қўлланилди, – дейди Андижон вилояти Қурилиш ва уй жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат инспекцияси бошлиғи ўринбосари Фарҳод Ашуралиев. – Бу жараёнда қури-

лиш-монтаж ишларини тўхтатиш ҳолатлари 17 тани ташкил этди. Шу билан бирга қурилиш меъёрларига риоя қилинмаган 15 та объектда буздириш ишлари олиб борилди. Бундан ташқари, қурилиш ништи-рокчилари томонидан муаллифлик ва техник назоратни бузганлиги учун лицензиялар ва рўхсат берувчи ҳужжатларни тўхтатиб туриши, тугатиши ва бекор қилиш бўйича жами 13 та ҳолат юзасидан тақдимномалар киритилди. Сифатсиз



қурилиш материаллари ва буюмлардан фойдаланганлиги учун 2 та вазирик ва идорага, 38 та сертификатлаштириш органларига ҳамда 21 та ишлаб чиқарувчига ҳам тақдимномалар юборилди. Бугунги кунда 1767 та рўйхатдан ўтган объектларнинг 386 тасида қурилиш-монтаж ишлари якунланиб, фойдаланишга топшириш бўйича Давлат қабул қилиш комиссиясининг далолатномалари расмийлаштирилди.

**Ориф ЖУМАНОВ,**  
"Qishloq hayoti" мухбири.


Маданий мерос объектлари

*XV асрнинг бошига оид бўлган ушбу мақбара саккиз қиррали бино шаклида қурилган ҳамда устига улкан гумбаз ўрнатилган. Бинонинг баландлиги 36 метрни ташкил қилади. Гумбаз диаметри 16 метр. Гумбаз ташқи тарафдан тўлқинсимон қабартма шаклида ва сопол кошнлар билан қопланган. Бинонинг асосий кўриниши Улуғбек даврида қурилган қўшимча бинолар туфайли беркилиб қолган. Бино ичига Улуғбек томонидан қурдирилган йўлак орқали кирилади. Мақбаранда тўққизта қабр мавжуд бўлиб, илк қабр Муҳаммад Султонга тегишли. Бундан ташқари, бу ерда Амир Темур, Шоҳрух Мирзо, Мироншоҳ Мирзо, Улуғбек Мирзо, Мир Саййид Барака, ироқлик Шайх Саййид Умар ва Мирзо Улуғбекнинг ёшлиқда вафот этган икки ўғли Абдуллоҳ ва Абдураҳмон Мирзоларнинг қабрлари бор. Қабрлар бугун биз кўрадиган мақбаранинг юқори қисмида эмас, балки ер остида жойлашган.*

Мақбаранинг зиёратхонасида мавжуд қабр тошлар асл қабрлар жойлашувига қараб қўйилган. Бизгача, асосан, пештоқли дарвозаси бор ҳовли ва мақбара биноси сақланган. Археологик тадқиқотлар натижасида мақбара ҳовлисидан икки ёнидан Муҳаммад Султон қурдирган Мадраса ва хонақоҳ қолдиқлари топилган. Мадраса ва хонақоҳ чорси ҳовлининг шарқий ва ғарбий томонларини эгаллаган. Темур сағанасига қўйилган кўк нефрит қабртошини Улуғбек Мўғулистонга қилган юриши вақтида олиб келган. Тошдаги лавҳада Темурни улуғлайдиган сўзлар, унинг шажараси ҳамда марсиялар ўймақори ёзувларда битилган. Ҳамма сағаналар Улуғбек томонидан ахлит ўйма мармар панжара билан ўралган.

Дарҳақиқат, шу ўринда айтишимиз лозимки, 1405 йил 18 февраль кунини ўтқор шаҳрида вафот этган Соҳибқирон Амир Темурнинг қаерда дафн этилганлиги бўйича турли хил маълумотлар мавжуд бўлгани боис, 1941 йил олимлардан иборат гуруҳ Самарқанддаги Гўри Амир мақбарасини ўрганишга киришади. Мақсад, Темурнинг жасади Самарқандга олиб келиниб, Гўри Амир мақбарасига қўйилганлиги ҳақидаги маълумотга аниқлик киритиш эди. Экспедицияга олим ва жамоат арбоби Қори-Нисёзий тайинланди, гуруҳга тилшунос олим А.Семёнов, антрополог олим Миҳай Герасимов, таниқли ёзувчи Садриддин Айнилар киритилди.

Дастлаб Амир Темурнинг учинчи ўғли Мироншоҳнинг қабри очилганда унинг боши танасидан жудо қилинганлиги, Шоҳрух Мирзонинг қабрини ўрганиш давомида эса унинг жасади мумиёланганлиги маълум бўлади. Экспедиция аъзолари томонидан Амир Темурнинг набираси, Мирзо Улуғбекнинг қабри очилганда Улуғбекнинг боши танасидан нарироқда, юзи ерга қаратилган ҳолда қўйилганлиги, бош чаноғи билан бирга учта бўйин умуртқаси қўйилганлиги аниқланади. Учинчи умуртқада ўткир тиғнинг изи яққол кўринади. Герасимов Улуғбекнинг бош чаноғини диққат билан ўрганиб, қилич тиғнинг изи унинг пастки жағида ҳам қолганлигини аниқлаган. Унинг фикрича, зарб нихоятда кучли бўлиб, Улуғбек тиззаланган ҳолатда бўлган ва қотил у билан юзма-юз туриб, ўнгдан чап томонга қараб қилич солган. Умуртқада қолган изларга қараганда, қилич жуда ўткир ва қотил бу борада катта тажрибага эга бўлган. Шундан кейин Соҳибқироннинг



# ГҶРИ АМИР

қабрини очишга киришади. Унинг қабри фарзандларининг қабридан анча фарқ қилиб, салобати ва улувдорлиги билан ажралаб туради. Олимларнинг эътибори биринчи бўлиб қабр устидаги тошга ўйиб ёзилган ёзувларга тушди. Унда "Вақти келиб ҳаммамиз бу дунёни тарк этамиз. Бизгача ҳам буюклар бўлган ва бундан кейин ҳам бўлади. Агарда кимда-ким бу нарсани тан олмаса, қабрни кўзгаб ёки ўтганлар руҳини безовта қилса, энг даҳшатли балога йўлиқсин" деган мазмун акс этарди. Ёзувнинг охириги сўзлари экспедиция аъзоларини сергаклантириб, кўрқувга солди. Ишни тўхтатмоқчи ҳам бўлишди. Аммо "юқорининг буйруғи" бўйича қилинаётган ишни ҳеч бир кўрқув тўхтата олмасди. Иш бошланганидан ярим соат ўтар-ўтмас кўтариш крани бузилиб қолди. Қабр устига ётқизилган плитани секин-аста қўлда сура бошлашди. Унинг тағида тупроқдан бошқа ҳеч нарса кўринмасди. Куннинг ярмига келганда плитани очишга муваффақ бўлишди. Олимлар қўллари билан ерни қовлай бошлашди. Соат 13:00 гача учта мармар плитани олиб ташлашга улгуришди. Нихоят, тобутнинг ора қопқоғи кўринди. Қутилмаганда барча ёритиш ускуналари ўйиб қолди.

Амир Темур қўйилган жой 20 сантиметр қалинликдаги оғир мрамартош билан бекитилган бўлиб, тошнинг узунлиги 245, эни эса 90 сантиметр бўлган. Маълумотларга кўра, бу қабртошга бошқа, иккинчи юпқа қилиб тарашланган ва ёзув битилган оникс тоши ёпиштирилган. Унинг лаҳади тарашланган тош тахталардан ясалган бўлиб, узунлиги 3, эни ва чуқурлиги 1 метр бўлган. Тобутнинг устига қорамтир кўкиш рангли газлама ёпилган, тобутнинг ёғочлари бақувват, силлиқланган тахталардан ясалган, қолаверса, алоҳида қопқоғи ҳам бўлган. Тўрт бурчадга тўртта оёқчаси бўлиб, уни зах ерга тегиб туришидан асраган. Тобутни ясаган усталар уни мустаҳкамлаш учун тўрт бурчакли темир михлардан фойдаланишган. Тобут арчадан ясалгани сабабли узок вақт ўтган бўлса-да, жуда яхши сақланган. Шунингдек, унга сув босиши ҳам зарар келтирма олган. Тобут устига ёпилган марта нозик ипақдан тўқилган бўлиб, унинг ўртасида олтин ишлардан тўқилган ёзув бор. Газлама бутун сақланмагани учун ёзувларни тўлиқ ўрганишнинг имкони бўлмаган. Тобутнинг қопқоғи очилгач, атрофини аллақандай хушбўй ҳид қоплаган. Устида икки қисман иборат бўлган газлама парча-

лари, газламанинг бош томонидаги қисмида эса олтин ишлар билан солиingan нақшлар сақланган. Газлама ёмон сақлангани, яъни қабрни сув босганлиги оқибатида чириганлиги учун нақшнинг бутунча кўринишини тиклашнинг иложи бўлмаган. Амир Темурнинг жасади узун қилиб ётқизилган ҳолда, юзи эса қиба томонга қаратилган ҳолатида эканлиги аниқланган. Суякларнинг баъзи жойларига кафан қолдиқлари ёпишиб қолган ва бош, бўйин, оёқ томонларида мумиёланган мускуллар, тери парчалари бўлган. Жасаднинг усти юпқа лойқа ва тузлар билан қопланган бўлиб, бу сув тошқинлари туфайли қабрга кирган сувнинг қолдиқлари эканлиги айтилади. Эҳтиёткорлик билан қабрдан чиқариб олинган Амир Темурнинг бош чаноғида қошларининг қолдиқлари ҳам сақланган бўлиб, узунлиги 12-14 миллиметрга борган ва ранги тўқ-жигарранг бўлган. Мўйлови сақланмаган. Герасимов бош чаноқдаги ўрнига қараб унинг мўйлови узун, лабидан ҳам пастга тушиб турганлигини аниқлаган. Унинг сочи ҳамда соқолининг ранги сарғимтир, худди зангланган темирнинг рангига ўхшаш бўлган. Шунда олимларда Амир Темурнинг соч-соқоли бўялганмикин, деган фикр уйғонади. Шунинг учун кимёгар-олим В.Кононов унинг сочларини кимёвий усуллар билан текшириб кўради. Олим соч-соқолнинг ранги табиат шундай бўлганлигини аниқлайди. Антрополог Герасимов Амир Темур 70 йилдан кўпроқ умр кўрганлигига қарамай, унинг бош чаноғида ва бошқа суякларда кексалик аломатлари кўринмаганлигини таъкидлаган. Амир Темурнинг қабри 1941 йил 21 июнда очилиб, бўлиниб, жасади чиқарилади. Айнан ушбу куннинг эртасига, 22 июн кунини Германия қўшинларининг собиқ Совет Иттифоқи худудига бостириб киргани туфайли экспедиция зудлик билан тугатишди ва суяклар ўрганиш учун Москвага олиб кетилди. Герасимов бош суяклар асосида Темур ва Темурийлар ташқи қиёфаларини қайта тиклашга муваффақ бўлди. "Амир Темур суяк қолдиқлари солиingan қути Москва осмонидан, фронт устида айлантирилиб, ўз жойига қўйилгандан сўнг уруш оловлари сўна бошлади". Нафақат халқ оғзидан, балки мутахассис олимлар томонидан айтилаётган бу фикрлар афсона ёки ҳақиқатлиги борасида хали-ҳануз аниқ бир тўхтама келинган йўқ. Анча сирили ва ҳар хил гап-сўзларга сабаб бўлган Темур қабрини ўрганиш бўйича ишлар якунига етгач, ҳисобот тайёрланди. Унинг бир нусхаси "марказ"га жўнатилган бўлса, яна бири Амир Темур қабрини ёпишганда тобутга қўшиб солинди. Бу ҳисобот ўзбек, рус, форс ва инглиз тилларида Самарқанд қоғозига хитой сиеҳида ёзилган, дея кўрсатма беради олимлар. Икки кундан кейин Сталинград остоналарида ғалаба қозонилганлиги тўғрисида хушxabарлар етиб келган.

**Жаҳонгир Жўраев,**  
Регистон ансамбли гид-экскурсоводи,  
Ипак йўли халқаро Туризм университети  
маиسترанти.

# СУВ ТЕКИН ЭМАС

(Боши 1-саҳифада)

Бундан ташқари, давлат муассасаси буюртмасига асосан Бойсун туманида "Хангаронсой" сел сув омборининг иккинчи босқичини қуриш, Музработ туманидаги "Фидокор" маҳалласи худудидаги экин майдонлари ва аҳоли томорқаларини сув билан таъминлаш учун насос станцияси қуриш ҳамда 1,5 километр узунликда босимли қувур тармоғини тортиш, Сурхондарё дарёсининг Термиз тумани худудидан ўтувчи "Ғалаба" каналининг ПК96+00 қисмидаги акведукни реконструкция қилиш, Денов туманидаги "Булуғур" каналининг 0,7 километр қисмида диаметри 1200 миллиметрли сув қувурини тортиш ҳамда каналнинг 4,3 километрини таъмирлаш, Бандихон тумани худудидан ўтувчи "Р-1-1" каналининг 2,75 километр қисминини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари юқори суръатларда олиб борилаяпти. Шунингдек, ташкилотимиз буюртмасига кўра, салоҳиятли ва барча имкониятга эга пудратчи ташкилотларни жалб қилган ҳолда ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг шўрланиш даражасини пасайтириш, сувдан ва бошқа ресурслардан нотўғри фойдаланиш ҳисобига фойдаланишдан чиқиб кетган ерларни қайта фойдаланишга кириштириш мақсадида ҳар йили камида 250-300 километр узунликдаги коллектор-дренаж тармоқлари тозаланмоқда ҳамда таъмирлаш-тиклаш ишлари удаланмоқда. Шу кеча-кундузда пудрат корхоналари техникаси ва қурувчилари томонидан Қизилқум туманида 2,6 километр узунликда, Музработ туманида 5,1 километр узунликда коллектор тармоғи ва 5,6 километр узунликда ёпиқ-ёпиқ дренаж тармоғи, Ангор туманида "Марказий" ва "Ўрдали" коллекторлари, Жаркўрғон туманида "Меҳнат-Роҳат-2" ҳамда "Мопр", Шеробод туманида "Қ-11-12", "Қ-11-11", "Қ-10" ва "ВСК-14" коллектор-дренаж

тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилмоқда. Қисқаси, санайверсак, бажарилаётган қурилишнинг саногий йўқ. Албатта, бундай улкан ишлар ўз-ўзидан бўлмапти. Қўришиб турганидек, обихаётни иқтисод қилиш учун катта маблағ йўналтирилади.

Бу маблағлар эвазига сувни тежовчи замонавий технологиялар олиб келинмоқда, сув ресурсларини бошқаришда замонавий усуллар қўлланмоқдаки, булар шубҳасиз самарасини бермоқда. Давлат қанчалик ҳаракат ва харажат қилмасин, катта миқдорда маблағлар сарфлаб, сув тежовчи технологияларни ўрнатмасин, ички сўғориш тармоқлари ва йирик каналларни бетонлаштирмасин, хонадонимизда, маҳалламизда, ишхоналарда, томорқамизда, экин етиштириладиган далаalarda сувга муносабат ўзгармас экан, ушбу беқийёс неъматни иқтисод қилмас эканмиз, узоққа боролмаймиз. Президентимизнинг жорий йил 5 январдаги "Қуйи бўғида сув ресурсларини бошқариш тизимини тақомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан бир қанча долзарб вазифалар қатори бир метр куб сувнинг нархи 100 сўм қилиб белгиланди. Мазкур қарорда одамларнинг онгида узоқ йиллардан буён ўрнашиб қолган "Сув текин" деган тушунчани сувдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш орқали аста-секин чиқариб ташлаш ҳамда сувни тежаш кўзда тутилган. Чунки иқлим ўзгаришлари сабаб йил сайин сув тақчиллиги сезилмоқда. Нонни қанчалик эъозласанг, муқаддаслиги бўйича ундан ҳам бўлмаган сувни нондай қадрласанг, элу юрт, бутунги ва келажак авлодларимиз олдидаги бурчимизни адо этган бўламиз.

**Абдулла МАМАТҚУЛОВ,**  
"Сурхондарё-сувқурилишвест"  
давлат муассасаси  
директори.



САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Спорт

## КАСАБА УЮШМА ХОДИМЛАРИ БЕЛЛАШДИ

Самарқанд шаҳридаги спортнинг уйин турлари ва енгил атлетикага ихтисослаштирилган спорт мактабидан корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимлар ўртасида спортнинг шахмат-шашка тури бўйича мусобақа бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари касаба уюшмаси вилоят бирлашган кўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур мусобақада шаҳар ва туманлардан ташриф буюрган шахмат-шашка мухлислари ўзаро куч синашди.

– Спорт саломатлик гарови" шiori остида ташкил этилган мусобақани ўтказишдан қўзланган асосий мақсад, касаба уюшма тизимида фаолият кўрсатаётган ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ва шу орқали меҳнат фаолияти самарадорлигини кўтаришга кўмаклашишдир, – дейди Касаба уюшмаси вилоят бирлашган кўмита раиси Бобур Алиев. – Шунингдек, аҳоли ва ёшларнинг шахмат-шашкага қизиқиши ва оммавийлигини оширишдир. Қизгин баҳс-мунозараларга бой бўлган мусобақа нати-

жаларига кўра, шашка бўйича 1-ўрин Жомбой туманидаги 2-сон касб-хунар мактаби Жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Мансур Ҳамроевга ҳамда хотин-қизлар ўртасида ўтказилган шахмат тури бўйича 3-ўрин ушбу мактаб бош ҳисобчиси ёрдмчиси Дилдора Қувонваларга насиб этди.

Мусобақа якунида 1-2-3-ўринни эгаллаган ғолиблар касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан эсдалик совғалари ва дипломлар билан тақдирланди. Шунингдек, мусобақа иштирокчилари эркак ва аёллар ўртасида ўтказилган "Энг ёши улғ иштирокчи", "Энг ёш иштирокчи" каби номинациялар бўйича ҳам рағбатлантирувчи мукофотларга сазовор бўлди.

**Хулдор МАМАТМУРДОВА,**  
Жомбой туманидаги 2-сон касб-хунар мактаби АРМ раҳбари.

▶ НАВОЙИ ВИЛОЯТИ

# ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ БОЛА ТАРБИЯСИ БЎЙИЧА ФИКРЛАРИ

## ҲАР БИР ДАВР УЧУН МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА

Бир донишманддан сўрадилар: одам учун ярашадиган либослар ичида энг гўзали қайси?

Донишманд айтди: у ахлоқ либосидирки, киши қиёфасини безайдиган, унинг ҳуснига ҳусн қўшадиған, бундан ортиқ гўзал либосни учратмадим. Дарҳақиқат, инсоннинг қалбидаги ихобий ва салбий хислатларнинг бари унинг бажараётган хатти-ҳаракатлари, айтаётган гап-сўзлари орқали юзга чиқади. Шу боисми "Беадабнинг ёмонлиги фақат ўзигагина эмас, бошқаларга ҳам зарар етказиши", дейди Шарқнинг етук алломаларидан бири Жалолиддин Румий ҳазратлари.

Яхши ахлоқ ва одоб бўлсин, сўзининг урдасидан чиқсин, ёмон ишлардан сақланган бўлсин, барча қонун-қоидаларни билсин, билимдон ва нотик бўлсин, илмли ва доно кишиларни ҳурмат қилсин, илм ва аҳли илмдан мол-дунёсини аямасин, барча мавжуд моддий нарсалар тўғрисида билимга эга бўлсин". Унинг эътиқодича, билим ва маърифат, албатта яхши ахлоқ билан безатилмоғи лозим, акс ҳолда тарбияланаётган болада кутилган натижага эришиш, етуқлигини таъминлаш мумкин бўлмайди.

Шарқ олимларидан яна бири Ибн Сино ҳам бола тарбияси ҳақида, тарбия усуллари ҳақида ўзининг қимматли фикрларини билдирган. Ибн Синонинг боланинг ахлоқий тарбияси ҳақида билдирган фикрларида уй-рўзгор тутиш масаласи хусусида ҳам сўз юритилади. "Болани тарбиялаш оилада ота-онанинг асосий мақсади ва вазифасидир. Ўз камчиликларини тузатишга қодир бўлган ота-онагина яхши тарбиячи бўлиши мумкин", дея фикр билдиради аллома.

Ҳаммамизга маълумки, ахлоқий тарбиянинг энг муҳим воситаларидан бири бу, боланинг нафсониятига, ғурурига тегишган ҳолда, яқма-яқма суҳбатлашиш, унга насиҳат қилиш, яхши одатларни мисол қилиб кўрсатиш ва шахсий ўрнак бўлишидир.

Ибн Сино боланинг ахлоқий хусусиятларини меҳнат тарбияси, жисмоний ва ақлий тарбия билан ўзвий боғлиқликда шакллантиришни, унинг камил инсон бўлиб камол топишида асосий омил деб ҳисоблайди. Ибн Сино манманлик, мактанчоқлик ва ўзидаги билимга ортиқча баҳо бериш каби хусусиятларни кишиларнинг ахлоқи паст



эканлигини кўрсатувчи белгилар, дея таъкидлайди.

Буюк мутафаккир Алишер Навоий боланинг вояга етишида, камол топишида тарбиянинг кучи ва қудрати алоҳида эканлигини кўп бора таъкидлайди. Тарбия натижасида боланинг жамиятта фойдаси тегадиган, етук инсон бўлиб етишига ишонади.

Навоий асарлари қаҳрамонлари ўзбек, тожик, эрон, арман, юнон, араб, ҳинд, ҳабаш, хитой халқлари вакиллари. Мутафаккир шоир асарларида илмнинг қудрати, дўстга садоқат, гўзал хулқ, тўғрисиқлилик ва бошқа фазилатлар ҳақида батафсил сўз юритилади. Унинг ахлоқий қарашларидаги яхшилик, ҳалоллик, олийжаноблик, инсонийлик ва шу каби бошқа хислатларни шакллантириш боланинг жуда кичиклик вақтидан бошланиши лозимлиги ҳамда тарбияда асло хатоликка йўл қўйиш мумкин эмаслиги ўқтирилади. Тарбиялилик инсонга ўзида яхши одат ва фазилат

ларни ҳосил қилишга ёрдам беради. У шахснинг кишилар билан муносабати, айниқса, кишиларнинг бир-бирларига бўлган руҳий, маънавий таъсирлари натижасида таркиб топади, деб ҳисоблайди ва болани вояга етказишда асосий омиллардан бири бу тарбия эканлигини уқтиради. Буюк мутафаккирнинг ҳар бир асариди яхши тарбия ғоялари илгари сурилади. Демакки, яхши тарбия топанг кишиларнинг дўстлари ҳам яхши тарбияли кишилар бўлишини Алишер Навоий жуда топиб айтганлар.

Юсуф Хос Ҳожибнинг ўқтиришича, ҳар бир киши жамиятда муносиб инсон бўлиб камол топтоғи керак. Бунинг учун эса у туғилганидан бошлаб зарур тарбияни олмоғи лозим. У қобил қизнинг тарбияси ҳақида фикр юритар экан, уларнинг ўзларига хос хусусиятига эътибор беришни алоҳида таъкидлайди.

Воиз Ал-Кошифийнинг ўқтиришича эса, инсонни таълим-тарбия орқали қайта тарбиялаш ақлий қобилиятини

ўстириш мумкин. Кошифий ўзининг педагогик қарашларида болаларда мустақил фикрлаш қобилиятини ўстириш масаласига алоҳида эътибор беради. "Бола тўғри сўзли, ваъдага вафодор, яхши хулқли қилиб тарбияланиши керак", дейди Кошифий.

Мирзо Улугбекнинг оила муҳити, соғлом авлодларни етиштириши ҳақидаги фикрлари шундан иборатки, боланинг билим олишига бўлган қизиқиши, ҳавасини оширишда у тарбияланаётган муҳит муҳим ўрин эгаллайди.

19-аср ўзбек ижтимоий ва адабий ҳаётининг йирик вакилларида бири Комил Хоразмий ўз асарларида маърифат, ахлоқий камолот, ватанпарварлик ғояларини илгари суради. «Камтарлик эскирмайдиган, энг гўзал инсоний фазилатдир. Бу фазилатга эга бўлганлар обрў-эътиборли, комил инсонлардир. Камтарлик инсонни турли нохушликлардан ва хижолатдан асрайди» дейди Хоразмий.

Ушбу мисолларда юртимизда дастлабки уйғониш даврида ҳам таълим-тарбияга қанчалик аҳамият берилганини кўрдик. Жамиятда таълим-тарбия тўғри йўлга қўйилмас экан, ҳар бир соҳада оқшаш кузатилаверади. Айниқса, ҳозирги авлодларимизнинг оқни қорадан ажратиб олишлари учун ҳам таълим-тарбиянинг ўрни беқиёсдир. Бу масалада эса бизга беминнат ёрдамчи бу бебаҳо китоблардир! Шарқ мутафаккирларининг ўлмас асарларини аввало оила даврасида ўқишни тарғиб қилиш, бунга ўзимиз, катталар ўрнак бўлишимиз шарт. Аввало, оилаларда, маҳаллаларда, мактабгача таълим ташкилотларида, мактабларда ишлаш, ҳамкорлик ишларини мустаҳкамлаш бугунги куннинг энг муҳим ва долзарб масалаларидан биридир.

Лайло НАВРЎЗБОВА,  
Кармана тумани ахборот-билиберофия хизмати раҳбари,  
Республика маънавият ва маърифат маркази "Маърифат" тарғиботчилар жамияти асоси.

## ТАРҒИБОТГА БАРЧА МАСЪУЛ

Ҳаётда бир бор бўлса-да ёнғин ҳодисасини кўрганмисиз? Ёнғин содир бўлган хонадон районага айланади, уйдан фойз-барақа ўчади.

Ачинарлиси, бир инсон ёнғиндан жиддий тан жараҳати олиб, бир умрга ноғирон бўлиб қолиши ёки қурбон бўлиши мумкин. Биринчидан, ёнғинда у хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, албатта, моддий зарар кўрилади. Иккинчидан, ёнғиндаги қўшни хонадон гувиллаб ёнади-ю, сизнинг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишингиз, тинч-осуда яшашингиз учун гўла асос бўла олмас экан. Доимий равишда ён-атрофдагиларни ҳам хушёрликка чақириб нур устига нурдир. Лекин орамизда айрим инсонлар эҳтиёткорликни унутиб қўйишмоқда ва бу ҳаракатлари билан қўнчилиқнинг азият чекишига сабаб бўлмоқда. Охири оқибат эса "Сўнгги пуншаймон - ўзингга душман", деган мақоланинг нақадар ҳақ эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилмоқдалар. Шунинг учун барчамиз аввало, ўз уйимиз, қолаверса, қўни-қўшни ва маҳалла куйда юз бериши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олишга масъул бўлайлик!

Жасурбек ХАЙРУЛЛАЕВ,  
Сергели тумани ФВБ II ва НБ катта инспектори, капитан.

▶ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ



## АЖРУ МОКОФОТЛАРИ КЎП ОЙ

Зулҳижжа ойи ҳижрий-қамарий сананинг охириги, ўн иккинчи ойи ҳисобланади. Динимизда уруш ҳаром қилинган ойлари - Муҳаррам, Ражаб, Зулкаъда ва Зулҳижжа ойлари. Мўмин-мусулмонлар ушбу ойлари қадрлаши, эъзозлаши ва албатта, уларнинг ҳаққини ҳалоллаши керак. Яъни, бу ойларида имкон қадар нафл ибодатларни кўпайтириш орқали Аллоҳга қурбат ҳосил қилиш, қийналган оилаларга ёрдам кўрсатиш, беморларни зиёрат қилиш, қариндош уруғларни йўқлаш керак. Хусусан, Зулҳижжа ойининг аввалги ўн кунни Ашири Зулҳижжа дейилади, ушбу 10 кунда қилинадиган савобли амаллар ажри жуда ҳам улуг.

Абу Саид Худрий розияллоху анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам бундай марҳамат қилдилар: "Огоҳ бўлингиз, кунларингизнинг энг ҳурматлиси ушбу кунингиздир. Яна огоҳ бўлингизки, ойлариингизнинг энг ҳурматлиси ушбу ойнингиздир. Яна огоҳ бўлингиз, юртларингизнинг энг ҳурматлиси ушбу юртингиздир".

Ушбу ҳадиси шарифдан Зулҳижжа ҳурматли ойлариинг энг ҳурматлиси экани маълум бўлади. Қолаверса, Аллоҳ таоло ушбу ойнинг ўн кечаси билан қасам ичган. Аллоҳ таоланинг бирор нарса билан қасам ичиши ушбу нарсанинг улуглигига далилат қилади.

Парвардигори олам "Фажр" сурасида марҳамат қилади: "Ва ўн кеча билан қасам" (2-оят). Кўнлаб муфассилларнинг фикрига кўра, оятдаги ўн кечадан мурод Зулҳижжа ойининг дастлабки ўн кечасидир. Ушбу ўн кунликда бутун дунё аҳли ушбу кунларнинг яхшилигига мушарраф бўлади. Ҳаж қилувчилар ҳам ушбу кунларнинг, Байтуллохнинг

хайрига мушарраф бўлади.

Ушбу ўн кунлик Аллоҳ таолога тасбеҳ, ҳамд ва тақбир айтишни кўпайтириш ила хосланган. Абдуллох ибн Умар розияллоху анҳудан ривоят қилинади. Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам: "Аллоҳ учун ушбу ўн кунликда қилинадиган солиҳ амаллардан кўра севилироқ амал йўқдир. Бас, у кунларда таҳлил, тақбир ва ҳамд айтишни кўпайтиринглар", деб марҳамат қилганлар.

Ушбу ойда Арафа куни бордир. Ушбу кун Аллоҳнинг раҳмати кўп ноил бўладиган, бандаларнинг кўнлаб гуноҳлари кечириладиган ва дуолари қабул бўладиган кундир. Арафа куни тутилган рўза икки йиллик гуноҳларнинг мағфират қилинишига сабаб бўлади. Бу ойда тутилган рўза улуг ажрларга мушарраф этади. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: "Арафа кунининг рўзаси ўзидан аввалги бир йил ва ўзидан кейинги бир йилнинг гуноҳларига каффорат бўлишини Аллоҳдан умид қиламан", деганлар (Имом Муслим ривояти).

Шунча тарғиботларга қарамай, баъзи инсонлар Аллоҳ таоло байрам қилиб берган кунларни азага айлантиришмоқда. Азадорларнинг уйлари бориб, фотиҳахонлик қилиш ҳолатлари ҳали ҳам давом этмоқда. Инсон бир иш қилишидан олдин Аллоҳ таоло берган ақлига суяниб, бу қилаётган ишим, амалим шариатга мувофиқми, дунё ва охиратимга зиёни йўқми, деб мулоҳаза қилиши керак. Улугларимиз сизлар ҳисоб-китоб қилинишларингиздан олдин ўзларингизни ҳисоб-китоб қилиб туринглар, деганлар. Аллоҳ таоло ўз каломиди "Қачонки бир фосиқ инсон сизларга нотўғри хабар етказса, унинг аслини, мазмун-моҳиятини, негизини билмасдан туриб, унга эргашманглар, деди. Оятга яхшилаб эътибор беринг, ҳозирги замонимизда бўлиб турган ҳолатларни баён қилмоқда. Қиласи, дини бир бўлган, азалдан ота-боболаримиз аҳил, иноқ ҳаёт кечириб келётган мўмин-мусулмонлар орасига фитна уруғларини сочиб, ораларидаги меҳр-оқибатларни бузиб, ўзларининг ғаразли мақсадларини амалга оширувчи инсонлар пайдо бўлмоқда. Устозлар фонари ёниб турган томонга кетавермай, фонарни ушлаб, йўл кўрсатаётган инсоннинг кимлигини, нияту мақсадларини билинглар, деганлар. Инсон яратилибдики, бирин-кетин дунёдан ўтади, дунёга ҳеч ким устун бўлмайди. Халқимизда бир ибратли гап бор: яхши бўлсанг, ошининг ейсан, ёмон бўлсанг, бошининг ейсан. Айтмоқчимизки, икки метр жойга бориб, ошини еб ётганлар ҳам бор, бошини еб ётганлар ҳам бор.

Бизга берилган энг буюк неъматлардан бири бу тинчлик неъматидир. Шу сабаб, ҳар бир соҳада катта ўзгаришлар бўлмоқда. Хусусан, динимиз бўйича ҳам ўзгаришлар катта. Юртимизда барча қулайликларга эга масжидлар барпо бўлмоқда. Шулар қаторида бизнинг кишлоғимизда ҳам катта лойҳа асосида катта масжид қурилмоқда. Халқимиздан, мўмин-мусулмонларимиздан Аллоҳ рози бўлсин, бир ёқадан бош чиқариб, аҳил-иноқликда байтуллох қурилишида фаол иштирок этмоқдалар. Насиб қилса, келаси рамазон байрамларига битказиб, янги, замонавий масжидларда ибодат қиламиз, инша Аллоҳ.

Муҳаммадшокир БОБОҲЎЖАЕВ,  
Норин туманидаги "Умархўжа зиёни" жомеъ масжиди имом хатиби.

▶ Реклама ва эълонлар



**SHOSHILING !!!**

**Kaltsiy va magniy mikroelementli**

# AMMIAKLI SELITRA

**Birja savdolarida.**




**Mahsulot sertifikatlangan № UZ.SMT.01.080.64398163 GOST 2-2013**

**Manzil: Toshkent viloyati Chirchiq shahri Toshkent ko'chasi 2-uy.**

Tel: +998 (7071) 6-25-20, 6-34-40, 9-35-08.  
Faks: +998 (7071) 6-40-79, 6-55-46, 6-45-57.

info@maxam-chirchiq.uz  
www.maxam-chirchiq.uz

Каримов Руслан Қаюм ўғли номига 2020 йил 28 февралда берилган хонадонга эгаллик ҳуқуқини берувчи 22-05/1114 сонли Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.